*Хизмат*

## Шифокорлар чорвадорлар ҳузурида

Тахтакўпир тумани тиббиёт бирлашмаси томонидан ташкил этилган кўчма бригадага жамланган тиббий мутахассислар қоракўлчиликка ихтисослашган "Мулк" ширкат хўжалигининг энг олис аҳоли пунктларида истиқомат қилувчи аҳолини тиббий кўрикдан ўтказишди.

Кўчма бригада таркибидаги рентгенолог, терапевт, акушер-гинеколог, стоматолог, педиатр шифокорлар аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиб, керакли маслаҳатлар бердилар.

— Бу тадбир Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тузилган махсус режага асосан амалга оширилмоқда, — дейди туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори вазифасини бажарувчи олий тоифали шифокор Ш.Турсунова. — Ушбу режага кўра, республиканинг чўл ва туман марказидан чекка ҳудудларида яшовчи аҳолини, биринчи навбатда, болалар, хотин-қизлар ва пенсия ёшидаги фуқароларни кенг қамровли тиббий кўрикдан ўтказилиши лозим. Асосан, чорвадорларнинг оилалари истиқомат қилувчи Қўштруба, Чўпонқазган, Кенели аҳоли пунктлари туман марказидан 300-350 километр узоқликда жойлашган. Бу ҳудудларда яшовчи фуқаролар аксарият ҳолларда ўз вақтида, яъни эҳтиёж бўлган заҳотиёқ малакали тиббий хизмат олишга имкон топмайдилар. Шу боисдан махсус тиббий бригадаларнинг олис ва чекка ҳудудлардаги фаолияти зарурдир.

Бугунгача 600 дан зиёд фуқаро тиббий кўрикдан ўтказилди. Шифохона шароитида даволанишга муҳтож фуқаролар туман марказидаги, шунингдек, Нукус шаҳридаги шифохоналарга жойлаштирилди.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

*Қорақалпоғистон Республикаси*

# РИЗҚИМИЗ НОБУД БЎЛМАСИН

Ғалла – ризқ-рўзимиз. Унинг мўл-кўллиги кўп жиҳатдан далаларимизда униб-ўсаётган буғдой майсаларининг пайҳон бўлмаслигига боғлиқ. Зеро, бугунги нозик майса эртанги мўл ҳосил гарови, юртимиз ғалла мустақиллигининг ишончли кафолатидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги "Қишлоқ хўжалиги экинларининг пайҳон қилинишига қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори пайҳоннинг олдини олишда дастуриламал бўлмоқда. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги тизимлари томонидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жойларда ички ишлар идоралари ходимлари ўзини ўзи бошқариш органлари ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги экинларининг пайҳон қилиниши ва нобуд бўлишига олиб келган ҳолатларни аниқлаш, айбдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Чорва молларининг экинзорлар ҳудудига киришига йўл қўймаслик мақсадида аҳоли ва фермерлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Буғдойзорлар атрофини четанлаш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Бажарилаётган ишлар юзасидан маълумотларни жамлаб бориш, уларни таҳлил ва назорат қилиш мақсадида вилоят, туман ИИБларида ишчи гуруҳлари тузилган.

*Назорат*

Қишлоқ хўжалиги экинларининг пайҳон қилиниши ва нобуд бўлишининг олдини олиш борасидаги ишларни ташкил этиш мақсадида Ички ишлар вазирлигидан вакиллар жойларга юборилди. Улар томонидан маҳаллий ҳокимликлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказилиб, номи юқорида зикр этилган қарор ижросини таъминлаш чоралари кўрилаяпти.

Бугунги кунда ғалла экин майдонларини пайҳон қилинишининг олдини олиш мақсадида республикамиз бўйича 1338 та кузатув гуруҳи тузилди. Уларга тўрт минг олти юздан зиёд ички ишлар ходимлари, 5027 нафар маҳалла посбонлари сардорлари ва 16731 нафар дала қоровулларининг жалб этилиши бу борадаги ишларни янада жонлантириб юборди. Ўтказилаётган рейдлар натижасида шу кунга қадар республикамиз бўйича ғалла экинзорларини пайҳон қилиш билан боғлиқ 1115 та ҳолат аниқланди. 85 гектардан зиёд ғалла майдони пайҳон қилингани оқибатида фермер хўжаликларига 54 миллион сўмликдан зиёд зарар етказилган. Пайҳонга йўл қўйганлиги учун судлар томонидан 947 нафар фуқарога қарийб ўн олти миллион сўм миқдорида жарима солинди.

Масалан, Навоий вилояти Навбаҳор туманида яшовчи фуқаро А.Зарипов боқувидаги 287 бош қўй-эчки "Дилхирож" фермер хўжалигининг ярим гектар ғалла майдонини пайҳон қилиб, хўжаликка 450 000 сўм миқдорида зарар етказгани аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан туман судининг қарорига асосан А.Зариповга жарима солиниб, етказилган зарар тўлиқ ундирилди.

Тадбир жараёнида аниқланган ҳолатлар бўйича жами 1475 бош қорамол ва 3052 бош қўй-эчки ушланди. Ғалла майдонларини пайҳон қилганлиги учун жойлардаги маъмурий комиссияларнинг қарорларига асосан 44 бош қорамол ва 140 бош қўй-эчки сўйилиб, уларнинг гўшти кам таъминланган оилалар, болалар боғчалари ва мактаб-интернатларга тарқатилди.

Бир сўз билан айтганда, "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да қишлоқларимиз фаровонлиги, дастурхонларимиз тўкинлиги кўп жиҳатдан бугун ниш уриб, панжалаётган майсаларнинг беталафот униб-ўсишига боғлиқ. Шундай экан, буғдойзорларни пайҳон қилинишидан сақлаш, нобудгарчиликларга йўл қўймаслик ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**Норали ОЧИЛОВ,**
**Ички ишлар вазирлиги Матбуот маркази бош инспектори, лейтенант.**

## YETTI IQLIMDAN BIR SHINGIL

### НУФУЗЛИ КОМПАНИЯ РАҲБАРИ ФИРИБГАР ЭКАН

***Япония инвестицион компанияси раҳбари молиявий фирибгарликда айбланиб, ҳибсга олинди. У тузган молиявий пирамида тизими омонатчилари дастлабки ҳисоб-китобларга кўра 1,4-2,2 млрд. доллар миқдорида маблағга "куйиб" қолишган.***



Ҳибсга олинган 75 ёшли Казутсуги Нами Токионинг нуфузли ҳисобланган компанияларидан бири — L&GK.K.нинг директорлар кенгашини бошқариб келган. Ҳозирда бу компания ўзини банкрот деб эълон қилган. The Japan Times нашрида ёзилишича, компания ўз мижозларига ҳар бир миллион йена миқдоридаги омонат учун ҳар уч ойда 9 фоиз миқдорида дивиденд тўлаб боришни ваъда қилган экан. L&GK.K. компанияси, шунингдек, Enten деб номланган электрон пулни ҳам муомалага чиқарган ва ўз мижозларига маълум миқдордаги омонат эвазига тарқатган экан.

Маълумотларга кўра, компания томонидан молиявий фирибгарликка жалб этилган кишилар сони 37 минг нафардан ортиқ. Бордию, дастлабки тахминий ҳисоб-китоблар ўз тасдиғини топса, бу Япония тарихида энг йирик молиявий фирибгарлик бўлади. Яқин кунларда молиявий фирибгарликка алоқадор бошқа мансабдор шахслар ҳам ҳибсга олиниши кутилмоқда.

### ПОЛИЦИЯ ҲАМКОРИ... ПОЙАБЗАЛ ТОЗАЛОВЧИЛАР

***Бундан буён Мексика пойтахти Мехико шаҳрида меҳнат қилувчи уч мингдан ортиқ пойабзал тозаловчилар жиноятчиликка қарши курашда маҳаллий полицияга ёрдам берадиган бўлди.***



Бу ҳақда шаҳар этикдўзлар касаба уюшмаси, шаҳар прокуратураси ва жиноятчиликка қарши кураш жамоат ташкилоти ўртасида махсус келишув имзоланди. Пойабзал тозаловчиларни Мехико кўчаларида деярли ҳар қадамда учратиш мумкин. Келишувга кўра, улар полициянинг "кўзу қулоғи"га айланади. Бордию, пойабзал тозаловчига бирон жиноят содир бўлгани ёки режалаштирилаётгани хусусида маълумот аён бўлиб қолса, у дарҳол полиция маҳкамасига қўнғироқ қилиши шарт. Пойабзал тозаловчиларнинг аксарияти бундай ислоҳотдан хурсанд эмас. Устига-устак, пойабзал тозаловчига полиция фойдасига жосуслик қилгани учун қўшимча тўлов тўланиши келишувда назарда тутилмаган.

### БЕНАЗИР БХУТТОНИ КИМ ЎЛДИРГАН ЭДИ?

***БМТнинг махсус комиссияси Покистоннинг собиқ бош вазири, дунёга машҳур сиёсатдон аёл Беназир Бхуттонинг ўлими билан боғлиқ ҳолатларни ўрганишга киришди. Бундай комиссия тузилгани ва иш бошлагани ҳақида БМТ бош котиби Пан Ги Мун Покистон президенти, Беназир Бхуттонинг турмуш ўртоғи Асиф Али Зардари билан кечган учрашувда баёнот берган.***



Беназир Бхутто 2007 йил 27 декабрь куни Покистоннинг Равалпинди шаҳридаги митингда сайловолди дастури доирасида нутқ сўзлаётган пайтда содир этилган терактда ҳалок бўлган эди. Ўшанда Покистоннинг собиқ президенти Парвез Мушарраф Б.Бхуттонинг ўлимида "Ал-Қоида" террористларини айблаганди. Покистон мухолифати эса ўз ўрнида Б.Бхуттонинг ўлимига махсус хизмат ходимлари алоқадор, деган даъвони илгари сурган ва БМТ махсус комиссия томонидан текширув тайинланишини талаб қилганди. Ҳозирда Б.Бхуттонинг ўлимига дахлдор, деб гумон қилинган тўрт киши қамоқда сақланмоқда.

### ДЕНГИЗ ҚАРОҚЧИЛАРИ "FAINA"НИ ТАРК ЭТИШДИ

***Ўтган йилнинг 25 сентябрида сомалилик денгиз қароқчилари томонидан босиб олинган "Faina" юк ташувчи кемаси ниҳоят қароқчилар қамалидан озод бўлди.***



Кемани ва ундаги 21 нафар денгизчини озод этиш эвазига қароқчилар дастлаб 35 миллион АҚШ доллари миқдорида товон пули талаб қилишганди. Охир оқибат уларга 5 миллион АҚШ доллари миқдорида товон пули тўланди. Жанубий Африка республикасидан учган самолёт нақд пул жойланган қопни "Faina" бортига етказди. Товон пулини ўзаро тақсимлаш учун кемада турли қароқчи гуруҳларнинг вакиллари, жами 100 нафар қароқчи жам бўлди. Тақсимотдан сўнг қароқчилар кичик-кичик гуруҳларга бўлиниб, кемани тарк этишди. "Faina" соҳиби украиналик Вадим Альперин исмли шахс бўлиб, у кемани қароқчилар қамалидан озод қилиш учун астойдил елиб-югурди. Кема капитани, россиялик Владимир Колобковга "Faina"ни яна озод кўриш насиб этмади, у юрак хуружидан вафот этди.

Ҳар эҳтимолга қарши шу яқин атрофда сузиб юрган Америка кемаси "Faina"да қароқчилар қолмагач, унга яқинлашиб, қарийб 4 ой муддатдан ортиқ асирликда ушланган 20 нафар денгизчига сув, озиқ-овқат етказиши, тиббий ёрдам кўрсатиши режалаштирилган. Сўнг "Faina" ўша кема етовида Кениянинг Момбасу портига йўл олади.

**"Lenta.ru", "Membrana.ru" маълумотлари асосида тайёрланди.**

# ЛАЛМИ ДЕҲҚОНЧИЛИГИ СИНОАТЛАРИ

Кейинги йилларда дунё миқёсида кузатилаётган иқлим ўзгариши, глобал исиш натижасида ер юзида чўлланиш жараёни жадаллашаяпти. Шунингдек, тез-тез такрорланаётган сув танқислиги деҳқончиликда бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқараётир. Бу жараён экин майдонларидан унумли фойдаланиш, серҳосил, кам сув талаб этиладиган экинларни кўпайтиришни тақозо этади.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида суғориладиган майдонлар билан бир қаторда лалми майдонлар ҳам салмоқли ҳудудни эгаллайди. Демакки, лалми майдонларда деҳқончиликни ривожлантириш узоқ йиллар давомида ҳосил берадиган, қурғоқчиликка чидамли экинларни кўпайтириш, уларнинг нави ва сифатини яхшилаш зарурати юзага келган. Таъкидлаш жоизки, бу борада республикамизда қатор ишлар амалга оширилаяпти. Айни шу мазмун ва муддао кўзланган ҳолда 2008 йил 20 октябрда Юртбошимизнинг "Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Унда лалми майдонларда мойли, озуқабоп ва полиз экинлари майдонларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Лалми деҳқончиликда яхши ҳосил олиш мумкин бўлган, республикамиз иқлимига мос экинлардан зайтун, писта ва токларни келтириш мумкин.

Бир гектар майдонга экилган зайтун ўсимлиги 2,7-3,5 тонна, писта 2,6-2,9, соя эса 2,2-2,8 тонна маҳсулот беради. Жаҳон бозорида бир килограмм зайтун мойининг нархи 10-20 АҚШ доллари, писта 5-7 АҚШ доллари, соя донининг бир тоннаси 400 АҚШ доллари эканлигини ҳисобга олсак, бу экинлар катта даромад манбаи эканлиги маълум бўлади.

Истеъмол қилинадиган ўсимлик мойлари ичида сифатли ҳамда инсон организми учун энг фойдали деб тан олинган зайтун мойи таркибида саломатликни мустаҳкамлайдиган жуда кўп элементлар бор. Зайтун мойи асосан озиқ-овқат, шунингдек, консерва саноати, тиббиётда ишлатилади. Кунжараси чорва учун тўйимли озуқа, ёғочи қимматбаҳо саноат хомашёси ҳисобланади.

*Мутахассис мулоҳазалари*

Зайтун ўсимлигининг иқтисодий самарадорлиги шундан иборатки, ўсимлик ўсув даврининг тўртинчи йилидан бошлаб етиштириш харажатлари камаяди.

Зайтун ўсимлиги тупроқ танламаслиги туфайли бошқа экинлар ўсадиган жойларда, хусусан, тоғолди ҳудудларида зайтунзорларни барпо этиш мумкин. Бу эса ўз навбатида ердан унумли фойдаланиш, аҳолини ўсимлик мойи билан таъминлаш ҳамда қайта ишлаш саноатини ривожлантиришга муҳим омил бўлади.

Лалми деҳқончиликни ривожлантиришда пистазорларни кенгайтириш ҳам ижобий натижа беради. Маълумотларга кўра, пистанинг ватани Ўрта Осиё. Шу боис, кенг майдонларда пистазорлар ташкил этиш мумкин. Иҳота дарахт сифатида қарайдиганимиз ушбу ўсимликдан товар маҳсулот олиш ҳам мумкин. Бунинг учун пистанинг маданийлаштирилган навларини яратиш, уларнинг агротехникасини ишлаб чиқиш лозим. Таъкидлаб ўтиш жоизки, писта анчайин қурғоқчиликка чидамли ўсимлик ҳисобланади. Пистазорларни кенгайтириш озиқ-овқат маҳсулотлари кўпайиши, тупроқ эрозиясининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Пистанинг яна бир аҳамиятли томони, ундан истеъмол мойи ҳам олиш мумкин. Шунингдек, саноатда ҳам аҳамиятли томонлари кўп. Бир гектар пистазордан ўртача 25 тонна ҳосил олиш мумкин. Жаҳон бозорида писта нархининг баландлиги ҳамда харидоргирлигини ҳисобга олсак, унинг иқтисодий самарадорлиги ҳам намоён бўлади.

Айтмоқчи бўлган фикримиз, ушбу экинлар майдонини кенгайтириш, республикамиз иқлими, тупроқ шароитига мос навларини яратиш фурсати етди. Бу масаланинг яна бир аҳамиятли томони, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлиқроқ қондириш, қишлоқ жойларида янги иш ўринларини барпо этиш ва пировард мақсад янада фаровон турмуш тарзини яратиш имконини беради.

**Дилором ЁРМАТОВА,**
**Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва электрлаштириш илмий-тадқиқот институти профессори.**

*Божхона хабарлари*

## ҚОРА МЕТАЛЛ ТАШМАЧИЛАРИ

Сирдарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари қўшни республика билан чегарадош ҳудуддаги йўлда ҳаракатланаётган "КамАЗ" русумли юк автомашинасини текширишганда, унда боёвутлик К.Примқулов 8 тоннага яқин қора металл парчаларини ҳеч қандай ҳужжатларсиз олиб кетаётганлиги аниқланди.

Шунингдек, сирдарёлик божхоначилар томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида гулистонлик Ж.Кенжаеванинг хонадонида турган "Зил" русумли автоулов текширилганда ушбу машина юкхонасига 5 тоннадан кўпроқ қора металл парчалари юкланганлиги ва улар четга олиб чиқиш мақсадида ҳозирлаб қўйилганлиги маълум бўлди.

## АЙЛАНМА ЙЎЛЛАРДАГИ "ТАДБИРКОРЛАР"

Фарғоналик божхоначилар айланма йўллар орқали қўшни давлат томон ҳаракатланаётган "Мерседес-Бенц" русумли микроавтобусни назоратдан ўтказишганда, бешариқлик А.Соипов қиймати 7 миллион сўмдан ортиқни ташкил этувчи, оғирлиги қарийб 4 тонна олхўри қоқисини олиб кетаётганлиги аниқланди.

Сурхондарёлик божхоначилар ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контрабандаси билан боғлиқ қонунбузарлик олдини олишга улгуришди. "Чақар" ҳаракатдаги божхона пости ходимлари "КамАЗ" русумли юк автоуловини тўхтатиб кўздан кечиришганида, унда ҳеч қандай ҳужжатларсиз қарийб 15 тонна пиёз олиб келинаётганлиги аён бўлди. Маълум бўлишича, қиймати 9 миллион сўмга яқин ушбу маҳсулотлар шўрчилик Ҳ.Сафаровага тегишли экан.

Андижон вилояти божхона бошқармаси ходимлари ҳам шу каби "тадбиркор"ликни фош этишди. Улар "КамАЗ" русумли юк автомашинасини текширувдан ўтказишганда қувалик Х.Қодиров 8 тоннадан ошиқ олма ва 7 тоннадан ошиқ хўл меваларни Қирғизистондан ноқонуний олиб келаётганлиги маълум бўлди.

## ЯШИРИБ ЯНГЛИШИШДИ

Юртимизнинг бебаҳо бойликларидан бири бўлмиш қоракўл терисига азалдан хорижда ҳам қизиқиш ва талаб катта. Бундан фойдаланишни кўзлаган баъзи "ишбилармон"лар гарчи олиб чиқиш тақиқланган бўлса-да қоракўл терисини хорижга олиб чиқишга уриниш ҳолатлари кузатилмоқда.

Республикамиз божхоначилари бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида қатор чора-тадбирларни амалга оширишмоқда. Ўтган 2008 йил давомида божхоначилар томонидан жами 32 та ҳолатда, қиймати 177 миллион сўмлик, қарийб 27 минг дона тери маҳсулотлари контрабандасига чек қўйилди.

Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси ходимлари "Тошкент-Саратов" йўловчи поездида Россияга отланган хоразмлик О.Аҳмедовни божхона назоратидан ўтказишганда, унинг хўжалик сумкаларида 110 дона қоракўл терилари борлиги аниқланди. Натижада, жами 6 миллион 600 минг сўмлик ушбу бебаҳо бойликнинг хорижга олиб чиқиб кетилишининг олди олинди.

Ҳозирда юқоридаги қонунбузарлик ҳолати юзасидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Давлат божхона қўмитаси**
**Матбуот хизмати.**

## Янги ўқув йилигача янги бино битади

Янгийўл туманидаги Деҳқонобод қишлоғида жойлашган 18-ўрта таълим мактаби учун янги бино қурилиши бошланди.






"Bunyod plast qurilish" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан бунёд этилаётган янги иншоот қурилишига 1 млрд 300 млн сўм маблағ сарфланиши кутилмоқда. Деҳқонободлик болалар ёзги таътилдан сўнг янги ўқув йилини замонавий услубда қурилган муҳташам янги мактаб биносида бошлайдилар.

**СУРАТДА:** *янги мактабнинг илк ғиштлари қўйилаётган пайт.*

**Рашид ГАЛИЕВ**
**олган сурат.**

*Тошкент вилояти*

# Сигир бор — қут-барака бор

Қишлоқларга борганда, ҳеч кузатганмисиз, бирор бадавлатроқ киши ҳақида гап очилса, аввало унинг қанча моли, қўйи борлиги таъкидлаб ўтилади. Ёки кимнингдир рўзғори тўкин-сочин, туппа-тузук ҳаёт кечираётган бўлса, "Мол-ҳоли жойида-да", деб қўйишади. Ҳатто, айримлар қийналиб, қарзга ботиб кетса-да, сигирини сотмайди.

Биринчидан, ризқ-насибаси, иккинчидан чорва барака. Шунингдек, сондан чиқиб қолишдан чўчийди. Тўғрида, мол-ҳол қилишга барча шарт-шароит бўлса-ю, лекин ҳовлисида атиги битта сигири бўлмаса, қишлоқ жойда яшаб туриб қўни-қўшнилардан сут-қатиқ сўраб юрса, бу нима деган гап! Шу боис, ҳам қишлоқ одамлари "Оғилхонамда ҳеч бўлмаса битта сигир кавш қайтариб туриши шарт", деб ҳисоблайди, эртаю кеч меҳнат қилиб молини, қўйини кўпайтиришга ҳаракат қилади. Бу бежиз эмас албатта. "Моли борнинг — ҳоли бор», деганларидек, қишлоқ одамларининг фаровон ҳаёт кечириши, турмуш-тарзининг яхшиланиши аввало, деҳқончилик билан бирга чорвачилик ривожига ҳам боғлиқдир.

Нуробод туманидаги Жом қишлоғида Ҳаққул ака деган бир одам бор. Мактабда муаллимлик қилади. Унга кўпчиликнинг ҳаваси келади. Бола-чақаси кўп, оиласи катта. Тузуккина ҳаёт кечиради, бировдан кам жойи йўқ. Меҳнат қилмаса туролмайдиган Ҳаққул ака бўш вақтларини томорқасида ўтказади. Томорқаси ҳам каттагина эмасми, сабзи, пиёз, шолғом, картошка, хуллас сабзавотларни умуман бозордан сотиб олмайди. Рўзғоридан ортганини бозорга обчиқиб сотади, яхшигина даромад ҳам олади. Олма, ўрик, узум сингари мева-чеваларни-ку, қўяверасиз. Пишиқчилик кезлари нафақат ўзи, қўшниларнинг дастурхони тўкинлигини таъминлайди. Ортганини олмақоқию, туршак, майиз қилиб қишга ғамлаб қўяди. Бозорга чиқаради.

Айни кунларда ҳам унинг уйига борсангиз товоқда ўриклар ивитилганига, олмақоқилар келида туйилиб, толқон қилиб қўйилганига гувоҳ бўласиз. Бу неъматлар то иликузилди пайтларгача сира тугамайди. Шунингдек, Ҳаққул аканинг қирққа яқин қўй-эчкиси, иккита соғин сигири бор. Ўзи ҳам, бола-чақаси ҳам вақтида ем-емишини, сувини бериб, мол-қўйларига меҳр билан қарайди. Хонадонидан сира оқлик узилмайди. У "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да чорвасидан келадиган бу галги даромад ҳисобига яна битта соғин сигир сотиб олмоқчи....

Маълумки, сут-қатиқ маҳсулотларини муттасил истеъмол қилиб юрган киши турли касалликлардан ҳам холи бўлади. Айниқса, эрталаблари тандирдан узилган иссққина нонга қаймоқ суриб еган, сузмадан қилинган чалобни тез-тез ичиб юрган ёш болалар соғлом, дуркун бўлиб ўсади, илиги тўқ бўлади. Шу боис, халқимизда янги рўзғорга сигир инъом этиш удумга айланган. Токи, фарзандларимнинг оғзи оққа етиб юрсин, янги қураётган рўзғоридан қут-барака аримасин, деб.



Мана шундай кундалик ҳаётимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган чорва молларини кўпайтиришга, умуман ушбу тармоқни ривожлантиришга мамлакатимизда алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилингач, бу борада амалга оширилаётган ишлар кўлами янада кенгайди ва ўтган вақт мобайнида сезиларли натижаларга эришилди ҳам. Хориждан кўплаб наслли, зотдор қорамоллар олиб келинди, сифатли омихта ем ишлаб чиқариш ҳажми оширилди. Шунингдек, уй ҳайвонлари, чорва молларида учрайдиган ўлат, қутуриш, куйдирги, оқсил, қорасон сингари турли касалликларга қарши изчил, самарали кураш олиб борувчи ветеренария хизматлари янада кучайтирилди.

Булардан кўринадики, республикамизда бу сердаромад соҳа билан шуғулланиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш, тадбир билан иш тутиб мол-ҳолимизни кўпайтириш ўз қўлимизда. Шунда сут, қатиқ, қаймоқ ва сарёғ кўп бўлади. Лўнда қилиб айтганда, сигири бор хонадонда қут-барака бўлади.

**Раимқул СУЯРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

**...Бекобод туманидаги "Аъзамбек Шерзодбек" фермер хўжалиги раҳбари Дилшод Шомуродов ҳар йили ғалла ўрим-йиғимида қийинчиликка дуч келар, комбайн қидириб, қимматли вақтини беҳуда ўтказарди. Муқобил машина-трактор парки билан шартнома тузган бўлишига қарамай, ғалла пишиб етилган тиғиз кунларда унинг хўжалигига ҳадеганда навбат келавермасди. Чунки фермер хўжаликлари кўп, комбайнлар эса саноқли. Ҳосил ўз вақтида ўриб-йиғиб олинмаса, унинг маълум қисми тўкилиб кетиб, увол бўлади.**

# КРЕДИТ ОЛИШДИ – ИШЛАРИ ЮРИШДИ

## "Пахта Банк"нинг миллиардлаб сармоялари кенг кўламли ишларга замин бўлмоқда

Бу – табиийки, ҳосилдорликка, пировард натижада даромадга салбий таъсир этади. Муаммони ҳал қилишга жазм этган фермер 2008 йили ўзи мижоз бўлган "Пахта Банк"нинг Тошкент вилояти бошқармасига қарашли Бекобод филиалига мурожаат этиб, кредит ҳисобига комбайн олишига кўмаклашишларини сўради.

Банк ходимлари фермер хўжалигининг иқтисодий имкониятини ҳисобга олиб, зарур ҳужжатларни расмийлаштириб, мулкдорга "Клаас-Доминатор" русумли, Германияда ишлаб чиқарилган замонавий комбайн сотиб олиши учун кредит ажратишди. Пул бўлса, чангалда шўрва, деганларидек, маблағ масаласи ҳал этилгач, орадан кўп ўтмай фермер комбайнни қабул қилиб олди. Жорий йилда ғалла ўрим-йиғими мавсумида техника масаласида муаммо бўлмайди. Қишлоқ мулкдори ўз даласидаги ҳосилни саранжомлаши билан бирга шартнома асосида қўшни фермер хўжаликларига кўмаклашади. Уларнинг мушкулини осон этиш баробарида салмоқли миқдорда даромад ишлаб топади.

"Пахта Банк" кредити ҳисобига ўз техникасига эга бўлган Дилшод Шомуродов сингари фермерлар нафақат Бекобод туманида, балки пойтахт вилоятининг бошқа ҳудудларида ҳам кўпчиликни ташкил этади. Жумладан, Бўка туманидаги "Иномхўжа ота ўғли Эркин" фермер хўжалиги "ВТ-150", Оққўрғондаги "Жавлон" фермер хўжалиги "ДТ-75" русумли ҳайдов, шу тумандаги "Шерали Бегали Эрали" фермер хўжалиги эса "МТЗ-80" русумли қатор ораларига ишлов берувчи тракторларни кредитга олишди. Шунингдек, кредит эвазига Оҳангарон туманидаги "Ҳамкор Навоий АГРО муқобил МТП" "Клаас-Доминатор" русумли комбайн, Бекободдаги "Анорбой файз Агро" фермер хўжалиги эса "МТЗ-80" русумли чопиқ тракторини сотиб олишга муваффақ бўлди. Қишлоқ мулкдорлари 2008 йили "Пахта Банк"нинг Тошкент вилояти бошқармаси филиаллари кредити ҳисобига харид қилган комбайнлар 10 дан, ҳайдов, чопиқ ва транспорт тракторлари 60 дан ошиб кетди. Бундан ташқари, сув чиқариш насослари, турли русумдаги техника воситалари, эҳтиёт қисмлар ҳам кредит эвазига олиб берилди.

Банк ходимлари чорва моллари, уруғлик картошка ва бошқа зарур нарсаларни сотиб олишда ҳам фермерларга яқиндан ёрдам беришмоқда. Чунончи, Бўка туманидаги "Иззатбек Эргаш ўғли" фермер хўжалиги, Оҳангарондаги "Асл Хуррам Агро" МЧЖ корхонаси, Оққўрғон туманидаги Олимкент пахта тозалаш заводи ёрдамчи хўжалиги учун чорва моллари кредит ҳисобига харид қилинди. Уруғлик картошка сотиб олишга эса жами 557,8 миллион сўм йўналтирилди.

Қишлоқда бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини олиб борувчиларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳам ушбу банк ходимларининг эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Шу ўринда бир неча мисол келтириш жоиз: Оҳангарон туманидаги "Бунёдкор Фахри" МЧЖга ғишт заводи қурилиши, Бекободдаги "Жавлон Файз", Оққўрғондаги "Мансур Дон ХЧТФ" корхоналарига эса бинокорлик материаллари сотиб олиниши учун қарз берилди. Бу кўзланган мақсадларнинг рўёбга чиқишига йўл очди. 2008 йил мазкур банк томонидан қурилиш соҳасига 60 миллион, саноатни ривожлантиришга эса 6.215 миллион сўмдан зиёд кредит ажратилди.

### Қарор ва ижро

Президентимиз Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижросини таъминлаш банк раҳбариятининг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Президентимизнинг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида 2008 йили 678 та кам таъминланган оилаларга соғин сигирлар сотиб олиш учун банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 602,7 миллион, иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси йўналиши бўйича 201,9 миллион сўм кредитлар берилди. Қишлоқда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга 4,4 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Шунинг эвазига 1100 дан зиёд янги ишчи ўринлари вужудга келтирилди.

– Ҳозирги пайтда қарийб 15 минг мижозга хизмат кўрсатаяпмиз, – дейди "Пахта Банк"нинг Тошкент вилояти бошқармаси бошлиғи Мирзаортиқ Ортиқов. – Уларнинг деярли 10 мингини қишлоқ хўжалиги корхоналари ташкил этади. Фермерлар, улар билан доимий ҳамкорликда фаолият кўрсатувчи корхона ва ташкилотларга 12 та филиал, 57 та минибанк орқали хизмат кўрсатилмоқда. Табиийки, кредит қўйилмаларининг салмоқли қисми қишлоқ хўжалиги корхоналари ва уларнинг инфратузилма тизимига йўналтирилмоқда. 2008 йил кўрсаткичларига назар ташласак, қишлоқ хўжалиги соҳасига жами 42,2 миллиард, шу жумладан, пахта, ғалла етиштириш учун 41 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилганлигининг гувоҳи бўламиз. Президентимиз томонидан "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб аталган 2009 йилда барча йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, бу йилги ғалла ҳосили учун фермер хўжаликлари ва хизмат кўрсатувчи корхоналарга 3,1 миллиард сўм имтиёзли кредит йўналтирилди.

Дарҳақиқат, хизмат кўрсатиш маданияти оширилиб, унинг турлари кўпайтирилиб борилаётганлиги туфайли мижозлар сафи тобора кенгаймоқда. Кейинги қисқа вақтнинг ўзида банк мижозлари сони 500 тага кўпайганлиги ҳам бундан далолат беради. Зеро, мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун тамойили тобора устувор бўлиб бораётганлиги улар ўртасидаги ҳамкорликка мустаҳкам замин бўлмоқда.

**Суннат САЙДАЛИЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

*Тошкент вилояти*

Хоразмда ота-боболаримиз қадим-қадимдан сунъий сув йўллари, тўғонлар қуриб деҳқончилик қилганлар. Қайси замонлар бўлмасин, ҳаётини сувсиз тасаввур қилиб бўлмайдиган воҳа халқининг ирригация тизими Шарқ халқлари ёки бошқа бирор давлат суғориш системасига ўхшамайди. Амударё сувининг бир куб метрида 8-10 килограммгача лойқа бўлади. Бу каналлар ва ариқларнинг ҳар бир метрига мавсум давомида 37 кг. чўкинди ўрнашади деган гап. Иккинчидан, Аму суви баҳор, ёз ойларида 4 маротаба кўтарилиб, 4 маротаба пасайган. Сув тизимлари дарё тошган ёки пасайган пайтларда ҳам дарёдан сув олишга мўлжаллаб қурилган. Бу катта илм ва тажрибага асосланган. Сувни тақсимлаш эса ўта одилликни талаб қилган. Шу боисдан ҳам Хоразмшоҳлар ва Хива хонлигида сув ва суғориш ишлари билан шуғулланувчи махсус мироб лавозими ташкил қилиниб, у вазири акбар, девонбегилар қаторида катта мавқега эга бўлган.



# ЖАЙХУН ЖИЛОВДОРИ

## ёки мироб Муҳаммад ҳожи фаолияти ва қисмати ҳақида

Ўз даврининг машҳур шахслари Мунис ва Огаҳийларнинг мазкур лавозимларда узоқ муддат фаолият кўрсатганликлари шундан. Муҳаммад Ризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий ўрнига амакиси Муҳаммад Каримбекнинг мироб қилиниши уларнинг авлодига Хива хонлари ва кишиларнинг ҳурмати, ишончи эди...

Биз Хоразм ирригация тизимида ўзига хос мактаб яратган инсон, ўз даврининг йирик сиймоларидан бири, биринчи ўзбек ирригатори Муҳаммад ҳожи Аминаддинов ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. У 1873 йилнинг илк баҳорида Хива хонлигининг Тўрткўл музофотидаги нуфузли оилалардан бири — Аминаддин Ёқуб ўғли хонадонида дунёга келди. Маълумки, ўша йилнинг май ойида руслар Хива хонлигини ўзига бўйсиндирганларидан сўнг, хонликка қарашли Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ерлар Русия ихтиёрига ўтди. Петро-Александровск шаҳрига асос солинди. Ёш Муҳаммаднинг илк кўз очиб кўргани даврнинг ўша янгиликлари бўлди. Рус тилини ўзлаштирган, рус маъмурлари билан мулоқот қила оладиган Аминаддинни улар дастлаб янги қурилган шаҳарнинг аҳоли яшайдиган қисмига оқсоқол, кейинчалик Шўрохонга ҳоким қилишади. Аввал эски мактабда, кейинчалик тўрт йил давомида Хива мадрасасида ўқиб, саводини чиқарган. Қуръони Каримни маромига етказиб қироат қиладиган 11 яшар Муҳаммадни дунёвий илмлардан хабардор қилиш мақсадида отаси 1885-1892 йилларда Петро-Александровск шаҳридаги рус-тузем мактабига ўқишга беради. Тез орада рус тилини мукаммал ўзлаштирган Муҳаммаднинг пешонасига чет элларда ўқиш, маълумотли биринчи ўзбек ирригатори бўлиш тақдири ёзилган экан.

1893 йилнинг бошида Франциянинг Тулуза шаҳридаги сув хўжалиги коллежига чор ҳукумати жўнатган илк илм толиблари орасида ягона ўзбек йигити Муҳаммад Аминаддин ўғли ҳам бор эди. Негаки, 20 яшар бу йигит ҳар қандай масалани тез илғаб олиши, дарё флоти, суғориш тарихига қизиқиши, янгиликка ўчлиги билан ўқитувчилар назарига тушган эди. Кузатиш маросимига ўша пайтларда Хонқа ҳокими лавозимида ишлаётган Аминаддин ҳам келиб, ўғли Муҳаммадга шундай тайинлайди: "Ўғлим, мусулмон юрти Туркияда бир муддат ўқийсизлар, деб эшитдим. Кейин Фарангистонга жўнатишар экан. Истамбулдан Маккаи Мадина беш қадам йўл. Вақтини топиб, Ҳаж зиёратини адо этгил". Муҳаммад ота насиҳатини амалга оширди.

1897 йилнинг охирида тўрт йиллик таҳсилни тугатиб, Франциядан она шаҳрига қайтган Муҳаммадни рус маъмурлари Петро-Александровскдаги қишлоқ хўжалик ва дарё флоти курсларига раҳбар этиб тайинлашди. Чунки тобора кенгаяётган дарё флоти, ирригация соҳаси учун зарур бўлган ягона мутахассис Муҳаммад ҳожи Аминаддин ўғли эди. У ҳақда ҳали рус-тузем мактабида таҳсил олаётган пайтидан тасаввурга эга, иқтидорию салоҳиятидан яхши хабардор бўлган Муҳаммад Раҳимхон — Ферузнинг Муҳаммадни хонликнинг бош мироби даражасига кўтариш нияти ҳам йўқ эмасди. Иккинчидан, Амударё флоти ҳам воҳа тараққиётининг муҳим йўналишларидан бири эди. Дастлаб унинг ихтиёрида 220 та катта-кичик кема бўлган бўлса, сал вақт ичида улар сони 315 тага етди. Бунда албатта, мутахассисларнинг, жумладан, Муҳаммад ҳожининг ҳам хизматлари катта. Ўша вақтда бир йил давомида кемаларда ташилган юкларни қадим усулда манзилларга элтиш учун камида 85 минг бош туя, 20 минг от-арава ва шунча аравакаш талаб қилинарди. Ўртадаги фарқни кўз ўнгимизга келтирсак, дарё флотининг қанчалик самара бераётганини илғаб олиш қийин эмас. Муҳаммад ҳожи раҳбарлик қилган курсларда таълим олган ёшларнинг деярли барчаси кейинчалик воҳанинг билимдон ва тажрибали дарғалари бўлиб етишдилар.

1900 йилда Хонқага 16 йил ҳокимлик қилган Аминаддин Ёқуб ўғли вафот этгач, Феруз рус маъмурлари билан кенгашиб, 27 яшар Муҳаммадни отаси ўрнига ҳоким қилиб тайинлайди. Бу билан эртани кўра оладиган ҳукмдор — Ферузхон рус маъмурлари билан муносабатни янада яхшилаш, Петро-Александровск билан хонликни боғловчи дарё пристани Хонқа ҳудудларида бўлганлиги боис, туманда саноат корхоналари барпо қилиш, савдо-сотиқни ривожлантириш каби отаси бошлаган ишларни ўғли давом эттиришини кўзлагандир. Муҳаммад ҳожи ҳокимликнинг дастлабки кунларидан бозорлардаги нарх-навони қатъий назорат остига олди. Саноат корхоналари қурилишига катта аҳамият қаратди. Қисқа фурсатда Хонқада 6 та пахта заводи, ун, ёғ ишлаб чиқарадиган корхоналар, битта кўн заводи ишга туширилди, ипак матолар, бўз ва чит тўқиш, уларга гул босиш билан шуғулланувчи ҳунармандлар пайдо бўлди. Муҳаммад ҳожи ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида захкашлар қаздириш, сув йўлларини табиий шароитга қараб тўғрилаш, деҳқончиликка янгиликларни жорий қилишга бош бўлди.

Муҳаммад ҳожи Хонқага ҳоким бўлиш баробарида 1910-1920 йилларда Хива хонининг бош мироби лавозимида ишлаган. Сув хўжалиги соҳаси бўйича Европада махсус билим олган, катта малакага эга бўлган мутахассис сифатида у 1920 йилгача ушбу соҳани мувофиқлаштириш, дарё тошқинларининг олдини олиш, хонликдаги барча деҳқонлар ерини ўз вақтида оби-ҳаёт билан таъминлаш борасида катта ишларни амалга оширди.

У Хива хонлиги тугатилгандан сўнг, 1921-1924 йилларда Хоразм Халқ Республикасининг Зироат ва сув хўжалиги нозири вазифасида ишлаган вақтида барча каналлар, ариқларни қазиш, сув ўтказиш тўғонларини қайта таъмирлаш ишларига бошчилик қилди. Натижада, минглаб гектар майдонлар экинзорга айланди, ҳосилдорлик ошди. 1925 йилда мамлакатда миллий чегараланиш ўтказилгандан сўнг, Хоразм вилоятида сув масаласи билан шуғулланувчи "УПРАДИС" ташкилоти тузилади ва Муҳаммад ҳожи унга бош муҳандис қилиб тайинланади. Ишлар кенг кўламда ривожлана борадики, натижада орадан 4-5 йилгина вақт ўтгач, "Средазгипровод" бошқармаси Жанубий Хоразмнинг 400 минг гектар ерини экин майдонларига айлантириш режасини ишлаб чиқади. Лекин бутун иш фаолияти сув билан боғлиқ бўлган инсонга мазкур лойиҳа бўйича ишлаш насиб этмади. 1930 йили туғилган ери — Тўрткўлга кўчиб кетади ва бир муддат янги ташкил қилинган "Дегишстрой"да бўлим бошлиғи вазифасида ишлайди. Ўша йиллари Гурлан туманининг "Чўболончи" ва бошқа қишлоқларини сув босиш хавфи пайдо бўлганида Муҳаммад ҳожининг маслаҳатлари билан иш тутилиб, офат бартараф қилинган эди.

Кейинги воқеалар шуни кўрсатадики, у юқори лавозимлардан ўз ихтиёри билан кетмаган. Ғаламислар бир вақтлар Хива хонининг ўнг қўли бўлганлиги, уларга хизмат қилганлиги учун уни "халқ душмани"га чиқарадилар. 1937 йилнинг гирдоби машҳур миробни ҳам ўз домига тортди. Муҳаммад ҳожини 19 октябрь куни кечаси ҳибсга олишади. У туҳмат ва қийноқларга чидай олмай, 1938 йилнинг 18 февраль куни Тошкентдаги Туясарой қамоқхонасида вафот этади. Орадан 52 йил ўтгач, Муҳаммад ҳожининг ўғлига оқлов қоғози келтирадилар. Унда кўрсатилишича, НКВДнинг "учлик" ҳукми билан қамоққа олинган Муҳаммад ҳожи Аминаддиновга қўйилган барча айблар бекор қилинган. Ярим аср ўтса-да ҳақиқат қарор топди. Унинг муборак номи тўла оқланди ва Мустақиллик туфайли эъзозланмоқда. Оққан ариқ оқаверади деганларидек, умрининг давомчилари бўлган неваралари ўзи каби юрт корига яровчи кишилар бўлиб етишдилар. Улардан бири Абдулла Худайберганов — тиббиёт фанлари доктори. Ҳабибулла ва Неъматулла Худайбергановлар ҳам Қорақалпоғистонда масъул вазифаларда ишлаб, бобоси каби ҳурматга сазовор бўлганлар. Ўқитувчи, муҳандис, шифокор, ирригаторларнинг саноғига етиш қийин. Айни кунларда дарёнинг кўш соҳили аҳли боболари таваллудининг 135 йиллигини кенг нишонлаб, халқи учун қилган ишларини ёд этмоқдалар. Зеро, эзгуликнинг умри боқийдир...

**Холмурод ҚУРБОНОВ**

Ўзбекистонда субтропик ноз-неъматлар етиштиришга биринчи бўлиб қўл урган Зайниддин Фахриддинов мамлакатимизда катта мактаб яратган, кўплаб шогирдлар етиштирганди. Бу инсон узоқ йиллик изланишлари билан она заминимизнинг саховатини бутун дунёга яна бир карра намойиш этиб, кўплаб машҳур кишиларнинг эътирофига сазовор бўлган эди. У Ўзбекистон Фанлар академияси фахрий аъзолигига, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном унвонига мушарраф бўлганди.

# Цитрусчи боғбон ворислари

Цитрус мевачилиги соҳасида маълум муддат айрим қийинчиликлар юзага келган бўлса-да, ҳозирги пайтда Зайниддин Фахриддиновнинг эзгу ишларини унинг шогирдлари, фарзандлари, чунончи, ўғиллари — Ёвмиддин, Муҳаммадазиз, Нуриддин Фахриддиновлар изчил давом эттириб келишмоқда. Муҳаммадазиз ҳозирги пайтда Ўзбекистон Фанлар академиясининг физика ва полимерлар кимёси институтида илмий ходим бўлиб ишлаётганлиги боис яқинда изланишларнинг меваси ўлароқ қувончли натижага эришди. Бу ҳақда ҳаяжонланиб шундай ҳикоя қилди:

– Йигирма йилча илгари отам (Аллоҳ уларни раҳматига олган бўлсин) билан цитрус мевалар қаламчасидан кўчат етиштириш устида ишлаб, кўпгина қийинчиликларга дуч келган эдик. Аслида лимон, мандарин, апельсин сингари дарахтларни уруғидан кўпайтириб кўчат етиштирилса, у ўқ илдизли бўлиб, бўйи

### Эзгулик



8-10 метрдан ошиб кетади. Иссиқ иқлимли ҳудудларда улар шундай ўсади ва кўп ҳосил беради. Ўзбекистон шароитида эса цитрус меваларни асосан иссиқхонада етиштириш йўлга қўйилган. Шу жойларга бирмунча паст бўйлилари талаб этилади. Бунинг учун эса кўчат етиштиришда қаламчаларни эритмага солиш, маълум муддат ўтгач қумда илдиз оттириб олиш, кейинчалик куртак пайванддан фойдаланган ҳолда ўстириш ва ҳосилга киришини таъминлашдек мураккаб жараён талаб этилади. Ўша пайтда фан ва амалиёт янгиликларини қўлланган ҳолда маълум натижага эришгандик. Яқинда эса янада мақбулроқ усулини топдик. Янгилик цитрус мевалар қаламчаларини пилла қурти ғумбагидан олинадиган, маълум даражада ўсишни тезлаштириш хусусиятига эга бўлган модда – фитозан эритмасида илдиз оттириб олишга асосланган. Бу жараён кимёвий моддалардан фойдаланилмаганлиги, экологик жиҳатдан тозалиги, энг асосийси, қаламчадан кўчат етиштиришгача бўлган муддат қисқариши билан ажралиб туради. Ана шу янгиликни келажакда кенг миқёсда қўллаш цитрус мева кўчатлари тайёрлашни жадал йўлга қўйиш ва уларни иссиқхоналарга етказиб беришни кўпайтириш имкониятини яратади. Япониядаги цитрус мевалари шарбатининг инсон организмига таъсирини ўрганувчи марказда фан доктори Йошио Като бошчилигида ўтказилган тадқиқот натижаларидан хабардор бўлганимдан сўнг падари бузрукворим Ўзбекистонда асос солган соҳага бўлган қизиқишим, меҳр-муҳаббатим янада ошди. Кунчиқар мамлакат олимлари лимон шарбати одам организмидаги рак ҳужайрасини ўсимтага айлантирадиган заҳарли моддаларни бартараф этиб, оғир хасталикнинг олдини олишини аниқлашди. Инсон саломатлигига хизмат қилишдан ҳам катта бахт борми ўзи?! Шунинг учун ҳам отамнинг ишларини давом эттираётганлигимдан беҳад бахтиёрман.

Дарҳақиқат, эзгу иш ҳеч қачон унутилмайди, бундай савобли юмушларга қўл урганлардан эл-юрт доимо миннатдор бўлади.

**С.АЛИЕВ**



# Устазодалар сулоласи

Косонсой – азал-азалдан уста ҳунармандлари билан танилган. Бу ердаги маҳаллалардан бири "Усто маҳалла" деб аталади.

– Бундай дейилишига сабаб, – дейди "Усто Рауф" хусусий фирмасининг бошлиғи Убайдуллохон ака Ҳусайинов, – катта бобом Ҳусайинхўжа Имомов узоқ йиллар давомида дурадгорлик билан шуғулланиб, эл-юрт орасида донг таратган. Бобомиз касбларини падари бузрукворимиз Мадаминжон Ҳусайинов янги қирралар билан бойитиб, давом эттирмоқда.

Дарвоқе, бугунги кунда Мадаминжон ота Ҳусайиновнинг номини нафақат Наманган вилоятида, балки республикамизнинг кўплаб жойларида ҳурмат билан тилга олишади. Бунинг боиси бор, албатта. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, "Дўстлик" ордени нишондори Мадаминжон ота Ҳусайинов Самарқанд вилоятидаги Имом Бухорий мажмуасининг бунёд этилишида 30 нафардан ортиқ шогирди билан иштирок этган. Айни дамларда Мадаминжон ота Ҳусайинов юз нафардан ортиқ шогирдлари, ўғиллари ва набираларига бош-қош.

**СУРАТДА:** *наққош ва ганчкорлик устаси Убайдуллохон ака Ҳусайинов шогирди Анасхон Насриддинов ҳамда ўғли Турсунхўжа Ҳусайинов.*

**Маъмур МУСУЛМОНОВ олган сурат.**

*Наманган вилояти*

### Юрт обод — кўнгил шод

# ҚУМЛИКЛАР БАҒРИДАГИ жўшқин ҳаёт

Элликқалъани кўпчилик тарихий обидаларга бой ҳудуд сифатида яхши билади. Кўп жангу жадалларни кўрган бу табаррук замин сурув-сурув қўй боқиб ўтган чўпон-чўлиқларга ҳам макондир.

Бу ердаги Кампиртепа, Чуқурқоқ, Тошчўққи, Қизилтоқир сингари учикети кўринмайдиган яйловларда дунёга машҳур антиқа, қорақалпоқ сури навли қоракўл тери олинадиган қўйлар боқилади, — дейди Элликқалъа туманидаги "Бухонмерей" қоракўлчилик ширкат хўжалиги раҳбари Аллисбай Досанов. — Ҳозирги кунда 20 минг бошдан зиёд қўй-қўзи, 200 бош туя парваришланмоқда. Улар парвариши тажрибали чўпон-чўлиқларга ишониб топширилган. Ширкат ҳудудида 50 та қудуқ ва сув чиқариш иншоотлари ишлаб турибди. Қишки мавсумга жиддий тайёргарлик кўрилиб, 3 минг тоннадан ортиқ дағал хашак тайёрланганди.

Хўжаликда чорва бош туёқ сонини авайлаб, кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшаётганлар кўплаб топилади. Бош чўпонлар Қудобой Бердибоев, Қутлимурод Усеновлар шулар жумласидандир. Ширкат ҳудудидаги олис яйловлар Навоий вилоятининг Учқудуқ тумани, Тўрткўл туманларига туташиб кетган.

— Қарамоғимда 36 бош туя бор, — дейди тажрибали чорвадор Қоринбой Тилонов. — Уни боқишнинг ҳам ўзига хос машаққатлари бор. Чўл кенгликлари туясиз ҳувуллаб қолгандек бўлади. Шу боисдан ширкатимизда туячиликка алоҳида эътибор қаратилади. Сутининг шифобахшлиги, жунининг майинлиги боис кийим-кечак, кигиз босишда зарур хомашё эканлигини ҳисобга олсак, бу жониворнинг қадрига етишимиз зарур бўлади.

Хўжалик раҳбарияти энг чекка овуллардаги чўпон-чўлиқлар ҳолидан ҳам мунтазам равишда хабар олиб туришади. Чорва моллари соғлом бўлиши учун ветеринария хизмати доимий равишда йўлга қўйилган. Шу кунлардаги барча диққат-эътибор молларни қишловдан соғлом ва чиқимга йўл қўймасдан олиб чиқишга қаратилган.

— 2008 йили овулдошларимизнинг ишончи билан Қизилқум овул фуқаролар йиғинига раис этиб сайландим, — дейди Тохтабой Қурбонов. — Албатта, бу масъулиятли вазифа. Бу ҳудудда Чуқурқоқ, Нисон маҳаллалари бўлиб, 389 хонадонда 2148 нафар фуқаро истиқомат қилади. Ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, туркман ҳамда бошқа миллат вакилларини жамлаган овул фуқаролар йиғини анча катта ҳудудни ташкил қилади. Овул фуқароларининг ҳаёти ҳам ўзига хос. Аҳолининг асосий қисми чорва билан банд. Тадбиркорларимиз сафи ҳам кейинги вақтда ошаётир. Чунки юрт тадбиркорлик туфайли обод бўлади. Тезкор тараққиётнинг энг оммабоп кўринишлари ҳам қишлоқ ҳудудларига кириб бораётир. Ҳукуматимизнинг касаначиликни ривожлантириш тўғрисида олиб бораётган сиёсати овулимиздаги аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий ёрдам кўрсатишга имкон туғдираётир.

Бизда қадимий удумларимизни сақлаган ҳолда туя жунидан кигиз босиш мактаби шаклланган. Пишиқ ва пухта тайёрланган кигиз рўзғоримизга кўрк беради. Ҳозирда овулимизда донг таратган Улмекан Жондовлетова, Бибихон Бекмирзаевалар нафақат бу ҳунарни ардоқлаб, балки уни ёшларга ҳам ўргатишмоқда.

### Олис ҳудудларда

2004-2009 йилларга мўжалланган умуммиллий мактаб дастурига кўра овулларимиздаги 31-сон мактаб биноси янгитдан қурилаётир. 180 ўринга мўлжалланган мактабнинг янги биноси 2009 йил 1 сентябрда фойдаланишга топширилади. ҚВП, дўкон, мактаб ишлаб турибди. Мамлакатимиз Президентининг 2009 йилни "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилиши ҳам биз бухонмерейликлар учун қувончли воқеа бўлди. Ўйлаймизки, овулларимиздаги янгиланиш изчил давом эттирилади, — деб сўзига якун ясади Қизилқум овул фуқаролар йиғини раиси Тохтабой Қурбонов.

### Қизилқалъалик ёшларнинг интилишлари

Беруний туманидаги "Қизил қалъа" ширкат хўжалиги чорвадорлари айни кунларда қўй-қўзиларни қишнинг изғиринли кунларидан соғлом ва ўртача семизлигини сақлаган ҳолда олиб чиқиш ниятида тер тўкишмоқда.

Оллаберган Исканов раҳбарлик қилаётган ушбу хўжаликнинг қиркта отарида сурув ортидан юрган юзга яқин чўпон-чўлиқларнинг қўлга киритаётган меҳнат ютуқлари мақтовга арзигулик. Бу ерда ноёб ҳисобланган қоракўл терилари етиштирилади. Сўнгги вақтларда хўжалик жамоасининг интилишлари туфайли чорва туёқ сони бирмунча ошиб, наслчилик ишларига жиддий эътибор берила бошлади.

Хўжалик ҳудудида истиқомат қилаётган чўпон фарзандлари учун шаҳардагидан қолишмайдиган, замонавий маиший хизмат касб-ҳунар коллежи қурилиб, фойдаланишга топширилди. 400 ўринга мўлжалланган мазкур ўқув маскани 7 ихтисослик бўйича мутахассис тайёрлайди.

— Коллежимиз ёшларни касбга йўналтириши билан бирга уларни ахборот телекоммуникациялар, инновацион технологиялар ва ахборот ресурс хизмати билан таъминлайдиган замонавий ўқув масканига айланди, — дейди унинг директори Одилбек Хайруллаев. — Ёшларнинг бўш вақтларини тўғри ташкил этиш, оммавий спорт ўйинларига жалб қилиш доимий эътиборимизда. Бизда асосан "Қизилқалъа" хўжалиги чўпон-чўлиқларининг ўғил-қизлари таълим олишади. Коллежимиз фаолиятини жонлантиришга мазкур хўжалик раҳбарияти ҳам яқиндан ёрдам бераётир. Келгусида ўқувчи ёшларимиз ишончимизни оқлаб, нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олишларини истаймиз. Шу билан бирга коллежимиз ёнида узоқ йиллик тарихга эга бўлган умумтаълим мактаби ҳам қайтадан таъмирланмоқда.

"Қизилқалъа" ширкат хўжалиги бағрида таҳсил олаётган кўп сонли ёшлар юртимиз довруғини илм-фан, спорт, ишлаб чиқаришнинг барча жабҳаларида юксак чўққиларини забт этишларини ният қилиб қоламиз.

**Улуғбек ЖУМАЕВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

*Қорақалпоғистон Республикаси*

